

## ТУПРОҚ ОСТИДАН СУГОРИШДА ТУПРОҚНИ ЧУҚУР ЮМШАТИШ ВА ДИСКЛИ БОРОНА ЁРДАМИДА ИШЛОВ БЕРИШНИ ПАХТА ХОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

**Исашов Анваржон**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти профессори  
**Олимжонов Муслимбек**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистранти  
**Қамбаров Шукуржон**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институти магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Тупроқнинг қатламлари бўйича морфологик тузилиши, механик таркиби, ҳажм оғирлиги, ҳамда сув сизимлари аниқлаш. Хар кайси сугоришдан олдин бир метр қалинликда тупроқ намлиги намуна олиши билан ВНП-1 Нейтрон нам аниқлаш асбоби ёрдамида аниқлаш ҳамда вегитация бошида ва охирида тупроқ сув ўтказувчанлиги аниқлаш кўриб чиқилди.*

*Калит сўзлар: тупроқ остидан сугорииш, чуқур юмшатиш, дискли борона, генетик қатламлар.*

### EFFECTS OF DEEP SOIL IRRIGATION AND DISC RAIN CULTIVATION ON COTTON YIELD IN SOIL IRRIGATION

**Isashov Anvarjon**

Professor of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

**Olimjonov Muslimbek**

Master of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

**Kambarov Shukurjon**

Master of Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnologies

### ABSTRACT

*Determination of morphological structure, mechanical composition, volume weight, as well as water capacity by soil layers. Prior to any irrigation, soil moisture sampling at a thickness of one meter was performed using the VNP-1 Neutron Moisture Detection Device and soil water permeability at the beginning and end of the growing season was considered.*

*Keywords: subsoil irrigation, deep loosening, disc harrow, genetic layers.*

## **КИРИШ**

Ўзбекистон Республикасида суғориб дехқончилик қилинадиган 4 млн 200 минг гектар майдонни суғориш учун бир йилда 46 млрд куб метр сув сарфланади. Бироқ ушбу сувнинг 60% дан ўсимликлар фойдаланади холос ва қолган қисми турли тарзда исроф бўлиб кетади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришнинг замонавий сув тежамкор усулларини ишлаб чиқиш ҳамда кам сув сарфлаб, юқори ва сифатли ҳосил етишириш технологияларини амалиётга тадбиқ қилиш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Республикаизда аҳоли сонининг ўсиши, энг зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёга бўлган эҳтиёжнинг мунтазам кўпайиб бориши натижасида сув ресурсларига бўлган талаб янада ортиб бормоқда.

Шу боисдан сув ресурслари тақчил ҳозирги шароитда сувни тежаб сарфлаш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш ва сувнинг ерга шимилиб, оқовага чиқиб исроф бўлишини камайтириш, суғориш сувидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга муҳим эътибор қаратиш зарур. Бу ҳолат эса экинларни суғоришнинг ноанъанавий Тупроқ остидан суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиширишда Тупроқ остидан суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечикириб бўлмайдиган чора тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4087-сонли қарорида пахтачилик билан шуғулланувчи олимлар ва мутахассислар олдига ғўзани суғоришни ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш ва 2021 йилда 11646 гектар майдонда ғўзани Тупроқ остидан суғориш технологиясини жорий этиш белгиланган эди.

Маълумки, экинларга сувни меъёрида берадиган, тупроқнинг эрозия жараёнларини бартараф этадиган, атроф-мухитга зарар етказмайдиган автоматлаштирилган суғориш усулларидан бири Тупроқ остидан суғориш технологиясидир. Пахтачиликда Тупроқ остидан суғоришнинг жорий этилиши сув сарфини камайтириш, ғўза ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг шўрланишини камайтириш билан бирга сув ва минерал ўғитларни лазер нури ва магнит майдонида фаоллаштирилган ҳолда бериш имконияти мавжуд.

Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида экилган ингичка толали ғўза экинларида Тупроқ остидан суғориш технологиясини

ишлаб чиқиш ҳам долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонлари 2020 йил 10 июлдаги президентнинг 6024- сонли фармонида қишлоқ хўжалигига сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн гектаргача, шу жумладан Тупроқ остидан суғориш технологиясини 600 минг га етказиш назарда тутилган мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.


Тажриба бошланишида тупроқнинг қатламлари бўйича морфологик тузилиши, механик таркиби, ҳажм оғирлиги, ҳамда сув сигимлари аниқланади. Хар кайси суғоришдан олдин бир метр қалинликда тупроқ намлиги намуна олиш билан ВНП-1 Нейтрон нам аниқлаш асбоби ёрдамида аниқланади. Вегитация бошида ва охирида тупроқ сув ўтказувчанилиги аниқланади.

Тажриба бошланишида генетик қатламлар бўйича тупрок намуналари олинуб, улардаги умумий азот, фосфор ва калий микдорлари аниқланади. Ғўзани гуллаш, гуллаш-мева олиш, пишиш фазаларида 0-15 см, 15-30 см қатламларида тупроқ намуналари олинуб, улардаги ҳаракатчан азот, фосфор ва калий микдорлари аниқланади. Ғўзани униб чиқишини хисобга олиш 1 июл, август, сентябр ойларида ғўзани бўйи, симподиал шохлари, шонаси ва кўсак сонлари хисобга олинади. 3- чи, 6-чи, 9-чи симподиал шохларидан 50 дона чаноқдаги пахта олинуб, ўртacha 1 дона чаноқдаги пахта оғирлиги аниқланади. Пахта толаси технологик анализдан ўтказилади. Минг дона чигитни массаси аниқланиб, ундаги ёғ микдори аниқланади.

Тоғ олди ҳудудларида механик оғир тупроқларнинг сув ўтказувчанилик қобилиятини ошириш мақсадида ерларга чуқур юмшатгичлар билан ишлов берилади. Ишлов беришдан олдин далалар қўп йиллик илдизпояли бегона ўтлардан машина ва механизмлар ёрдамида тозаланганда тупроқ олдин ағдаргичлари олиб ташланган плуглар билан 18-20 см чуқурликка юмшатилади, сўнг чизел, қультиватор ва бороналар ёрдамида уларнинг илдизлари йиғиб олинуб, дала ташқарисига чиқарib ташланади.

Ерни сифатли ва кам харажат сарфлаб ҳайдаш ва юмшатиш учун унинг намлиги 16-18 фоиз атрофида бўлиши керак. Бунда тупроқ яхши майдаланади, иш органларига ёпишмайди ва унинг қаршилиги кам бўлади, демак, ёқилғи ва материаллар сарфи камайиб, иш унуми ошишига олиб келади. Ҳудуднинг

табий шароити ва тупроқ механик таркибидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги чуқур юмшатгич танлаб олинди (1- расмлар).



**1-расм. ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичнинг умумий кўриниши**

Чуқур юмшатгич ГРХ-2-50 юқори қувватли тракторларга агрегатланиб ишлатилади. Чуқур юмшатгич ни ишчи қамров кенглиги-1.8 м, юмштиш панжасини кенглиги 0,5 м, устунлар рамага тўғри верикал ҳолатда маҳсус мосламалар билан маҳкамланган ва устун олдида кесувчи пичоқ жойлашган. ГРХ-2-50 чуқурюмштгичи ёпиқ тупроқ шароитида ишловчи текис кесувчи панжалари мавжуд ишчи органларига эга. Ишчи органлари будай шакли ҳисобига тортишга қаршилиги ошади. Талаб қилинган чуқурликни юмшатиши учун БТ-150-тракторини тортиш имкониятларини камайтиради, натижада юмшатиши чуқурлигини камайтиришга тўғри келади. Бу эса ўз навбатида иш самарадорлигини пасайишига олиб келади. Шуни таъкидлаш керакки, ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичи хайдов ости қатламини юмшатиши натижасида сув ва ҳаво ўтказувчанлигини яхшилаб, ўсимликларни илдиз қисмини ривожланишига яхши шароит яратиб беради.

### **1-жадвал**

#### **ГРХ-2-50 чуқур юмшатгичнинг техник характеристикаси**

Кўшиб ишлатиладиган трактор	Case MX 255 MAGNUM
Иш унумдорлиги, га/соат	0,70...0,90
Қамраш кенглиги, м	1,8
Ишчи тезлиги, км/соат	5
Солиштирма ёқилғи сарфи, кг /га	24
Талаб этиладиган қувват, кВт (о.к.)	81(110)

Ишлов бериш чуқурлиги, см	50-90
Габарит ўлчамлари, мм	1560x1840x1560
Массаси (конструкцион), кг	800

Дала, лабаратория тажрибалари 2020-2021 йилларда Андижон Туман “Омад”фермер хўжалиги сугориладиган ерларида ўтказилади

### Тажриба тархи

2 жадвал

Вариант	Вариантлар мазмуни	Тупроқнинг суғоришдан олдинги намлик тартиби ҶДНС га нисбатан, % хисобида
1	Назорат :эгат олиб суғориш экиш схемаси Тупроқ остидан суғоришда <b>тупроқни чуқур юмшатиш ва дискли борона ёрдамида ишлов бериш</b>	70-70-60 70-70-60

Тажрибаларда суғориш технологияларини ғўза навлари ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида, ҳар бир вариантдан барча қайтариқларда 2 марта қўл терими ўтказилди. Ғўза ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар 3.5.2-3.5.3-жадвалларда келтирилган.

Андижон-36 ғўза нави экилган эгатлаб суғорилган (назорат) вариантда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 29.1-30.3 ц/га тенг бўлган бўлса, бу кўрсатгич Тупроқ остидан суғорилган 3-вариантда яъни хайдовдан олдин чуқур юмшатилганда ғўзанинг Андижон-36 нави 46.6-47.3 ц/га ни ташкил этиб, эгатлаб суғорилган назорат вариантга нисбатан 17.0-17.5 ц/га га ошганлиги аниқланди.

### Тупроқ остидан суғориш технологиясини пахта ҳосилдорлигига таъсири

3-жадвал

Вариантлар	Қайтариқлар				Ўртача ҳосил, ц/га	
	1	2	3	4		
<b>2020 йил</b>						
<b>Ғўзанинг Андижон-36 нави</b>						
1	29.6	29.8	29.4	30.6	29,9	
2	42.6	42.4	42.8	42.6	42.6	
НСР <sub>05</sub> = 4,8 ц/га						
<b>2021 йил</b>						

<b>Ғўзанинг Андижон-36 нави</b>					
1	29.5	29.9	29.1	30.3	29,7
2	42.5	42.7	42.8	42.4	42.6
НСР <sub>05</sub> = 4,7 ц/га					

## **ХУЛОСА**

Андижон вилоятининг эскидан суғорилиб келинаётган, сизот сувлари сатҳи 3.5-5.0 метр, ярим автоморф, механик таркиби ўрта-оғир қумоқ оч-тусли бўз тупроқлари шароитида ғўзанинг «Андижон-36» навининг мақбул суғориш тартибларини таъминловчи такомиллашган сув тежамкор тупроқ остидан суғориш технологиясининг қўллаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари Андижон-36 эгатлаб суғорилган назорат вариантда ҳосилдорлик 29,7 ц/га ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Тупроқ остидан суғорилган 5 вариантда яъни хайдовдан олдин чукур юмшатилганда 46,9 ц/га ни ташкил этиб назорат вариантга нисбатан 17,2 ц/га га кўп пахта ҳосили териб олинди.

Қишлоқ хўжалик экинларини сув таъминоти шароитларига боғлиқ ҳолда турлича муносабат билдиради. Барча экинларни максимал ҳосилдорлигига, конуниятларга бўйсунган ҳолда, ўсимликни ўсиши ва ривожланишининг барча даврлари давомида узлуксиз сув билан қониқтириш орқали эришилади.

## **REFERENCES**

1. Костяков А.Н. Основы мелиорации.- М.Сельхозгиз, 1960, 622 с.
2. Сурин В.А., Сабитов А.Ю., Зухриддинов С.С. Оросительная система. вторское свидетельство №1658918 А 01 Г 25/06 г. Москва 1991
3. Сурин В.А., Сабитов А.Ю., Зухриддинов С.С. Техника самотечного полива на террасированных склонах. Мелиорация и водное хозяйство г. Москва №4, 1995.ст 24 -26